

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ХАСАНОВА ДИЛНОЗА АХРОРОВА**

**ТАЛОҚ ВА ТИМУСНИНГ МЕЪЁРДА ҲАМДА ГЕН-  
МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН МАҲСУЛОТ ТАЪСИРИДАГИ  
ТАЖРИБАДА МОРФОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.02 – Морфология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of the dissertation abstract of doctoral dissertation (DSc)**

**Хасанова Дилноза Ахроровна**

Талок ва тимуснинг меъёрда ҳамда ген-модификацияланган маҳсулот таъсиридаги тажрибада морфологик жиҳатлари ..... 3

**Хасанова Дилноза Ахроровна**

Морфологические аспекты селезёнки и тимуса в норме и при влиянии генно-модифицированного продукта в эксперименте ..... 29

**Khasanova Dilnoza Akhrorovna**

Morphological aspects of the spleen and thymus in norm and under the influence of the gen-modified product in studies ..... 57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 61

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ХАСАНОВА ДИЛНОЗА АХРОРОВА**

**ТАЛОҚ ВА ТИМУСНИНГ МЕЪЁРДА ҲАМДА ГЕН-  
МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН МАҲСУЛОТ ТАЪСИРИДАГИ  
ТАЖРИБАДА МОРФОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.02 – Морфология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/Tib553 рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи**

**Тешаев Шухрат Жумаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар**

**Рахматова Мукаддас Холтаевна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Калашникова Светлана Александровна**  
тиббиёт фанлари доктори  
(Россия Федерацияси)

**Зокирова Наргиза Баходировна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот**

**Кубан давлат тиббиёт университети**  
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «2» декабрь соат 12<sup>30</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навобий кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865)-223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: [buhmi@mail.ru](mailto:buhmi@mail.ru)).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (054 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навобий кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865)-223-00-50).

Диссертация автореферати 2021 йил «13» ноябрь кuni тарқатилди.

(2021 йил «13» ноябрь даги 26 рақамли реестр баённомаси).



*(Handwritten signatures and initials in blue ink)*

**А.Ш. Иноятов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Н. Ачилова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Н.А. Нуралиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Сўнгги йилларда дунёда инсон организми иммун тизимини муҳофаза қилиш орқали унинг соғлигини сақлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, ҳозирги вақтда озиқ-овқат саноатидаги янги технологиялар орқали ноанъанавий ингредиентлар воситасида тайёрланаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг 60 – 70 % инсон организмига потенциал хавф туғдирувчи кимёвий ва биологик моддалардан иборат бўлмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...генетик инженерия усули ёрдамида яратилган озиқ-овқат маҳсулотлари генетик модификацияланган организм (ГМО) бўлиб, истеъмол қилинган, инсон организмга бегона генининг киришини таъминлайди»<sup>1</sup>. Шунга кўра, кимёвий ва биологик йўллар орқали олинган озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфи ва таъсир этувчи омилларини ўрганиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Жаҳон миқёсида ГМО маҳсулотларнинг инсон организми иммун-тизимига таъсир механизмларини эрта ташхислаш, олдини олиш ва салбий таъсирини камайтириш борасида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Чунки генетик модификацияланган маҳсулотларнинг инсон организмига ижобий таъсири билан биргаликда салбий жиҳатлари ҳам намоён бўлиб бормоқда. Шу билан бирга, генетик модификацияланган маҳсулотлар билан боғлиқ хавфсизлик, соғлиқни сақлаш ва экологик хавфлар бугун ҳам тўлиқ ҳал этилмай қолмоқда. Шунга кўра, замонавий биотехнологиялардан фойдаланиш орқали биологик хилма-хилликни сақлаш ва хавфсиз ҳамда барқарор фойдаланиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар дастури амалга оширилмоқда. Аммо, ГМО маҳсулотлари таъсир механизмларини ўрганиш уларга асосланган профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, эрта ташхис ва самарали даволаш тиббиёт соҳасининг долзарб муаммолардан бири сифатида сақланиб қолмоқда.

Мамлакатимизда ҳам аҳолиси орасида, айниқса, ёш болалар организми иммун тизимини ривожлантириш, унга хавф солувчи касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтириш, шу ўринда кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ва шу соҳада доир бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари белгиланиб, «...аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, соғлом турмуш тарзини оммалаштириш...»<sup>2</sup> бўйича комплекс вазифалар бажарилмоқда.

<sup>1</sup> Bawa A.S. & Anilakumar K.R. (2013). Genetically modified foods: Safety, risks and public concerns – A review. Journal of Food Science and Technology, 50(6), 1035–1046.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // www.lex.uz.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6110-сон Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4887-сон ва 2020 йил 12 ноябрдаги «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4891-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V1. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.<sup>3</sup>**

Гени ўзгартирилган озиқ-овқат маҳсулотларининг инсон организмига салбий таъсири жуда хилма-хил бўлиб, бу долзарб муаммони ҳал қилиш учун бутун дунёда кўплаб етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Western Kentucky University, Dominican University of California, Harvard University, University of Missouri-Columbia, University of Nebraska-Lincoln, Colby college (АҚШ), Oxford University (Буюк Британия), Wageningen University (Нидерланд), International Christian University (Япония), Forestry and Agricultural Biotechnology Institute (FABI), University of Pretoria (Жанубий Африка), Dalhousie University Halifax, University of Saskatchewan Saskatoon (Канада), Catholic University of Leuven, Ghent University (Белгия), Jadavpur University (Ҳиндистон), Россия Тиббиёт Фанлар Академияси озиқлантириш илмий-тадқиқот институти, А.Н. Сысин номидаги Россия Тиббиёт Фанлар Академияси инсон Экология ва атроф-муҳит гигиена тадқиқот институти, амалий биотехнология Москва Давлат университети (Россия Федерацияси), Санитария, гигиена ва касб касалликлари институти, Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Сўнгги йилларда гени ўзгартирилган озиқ-овқат маҳсулотларининг инсон организмига ижобий ва салбий таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: ГЎ маҳсулотларининг инсон саломатлигига узоқ муддатли салбий таъсири тавсифланди (Oxford University (Буюк Британия); ва озиқ-овқат ва дон хавфсизлигини тартибга солувчи, ҳайвонлар ҳамда атроф-муҳитни баҳолаш мониторинг протоколлари ишлаб чиқилди

---

<sup>3</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://www.wku.edu/>; <https://www.dominican.edu/>; <https://www.harvard.edu/>; <https://missouri.edu/>; <https://www.unl.edu/>; <https://www.unipage.net/>; <https://www.ox.ac.uk/>; <https://www.icu.ac.jp/en/>; <https://www.wur.nl/en/>; <https://www.fabnet.up.ac.za/>; <https://www.up.ac.za/>; <https://www.dal.ca/>; <https://www.usask.ca/>; <https://www.kuleuven.be/>; <https://www.ugent.be/en> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

(University of Nebraska–Lincoln, Colby college (AQШ); биотехнологиянинг жадал ривожланиши натижасида гербицидлар ёки ҳашаротларга чидамлик каби модификацияланган хусусиятларга эга генетик жиҳатдан такомиллашган ўсимликлар яратилди (International Christian University (Япония); генетик механизмлари орқали экологияни ифлослантирувчи хусусиятлари ва муайян эпигенетик касалликларга сезувчанликни ошириши аниқланди (Dalhousie University Halifax, University of Saskatchewan Saskatoon (Канада), Catholic University of Leuven, Ghent University (Белгия); деҳқончилик экинлари билан боғлиқ ҳолда инсон саломатлигига ва экологик потенциал хавфлар аниқланди (Western Kentucky University, Dominican University of California, Harvard University, University of Missouri-Columbia, University of Nebraska–Lincoln, Colby college (AQШ), Oxford University (Буюк Британия)).

Иммунитет тизимига салбий таъсир этувчи ГМО маҳсулотларининг салбий таъсири жуда хилма-хил ва кўп жиҳатдан ҳали етарлича ўрганилмаган. Дунёнинг турли мамлакатлари: Wageningen University (Нидерланд), International Christian University (Япония), Forestry and Agricultural Biotechnology Institute (FABI) каби етакчи илмий марказлар ва университетлар ушбу долзарб муаммони ривожлантириш билан шуғулланиб келмоқда.

Жаҳонда генетик ўзгартирилган (ГЎ) озиқ-овқат технологияси озиқланиш ва экин ишлаб чиқаришни яхшилаш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: ГМО маҳсулотлар салбий таъсирини аниқлаш, уларнинг механизмларини ўрганиш асосида инсон иммун тизимига салбий таъсирининг олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш; тимус ва талоқ морфологик ўзгаришларни аниқлаш; ГМО маҳсулотлар салбий таъсири механизмларини асослаш; ГМО тўқималарда ҳужайра тарқалиши ва апоптоз ҳолатини аниқлаш; соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва генетик жиҳатдан ўзгартирилган организмларни ўз ичига олган маҳсулотларнинг салбий оқибатлари олдини олиш, эрта ташхис қўйиш ва патогенетик даволашнинг илмий асосланган усулларини такомиллаштириш асосида аҳолининг турли қатламлари ҳаёт сифатини ошириш лозим.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон миқёсида ГМО турли янги хусусиятларга эга бўлган генетик жиҳатдан ўзгартирилган организмлардир. Буларга гербицидлар, зараркундалар, касалликлар, юқори ва паст ҳарорат таъсирида қуримаслик, ҳосилдорликнинг ошиши ва бошқалар киради. Маҳсулот сифати ҳам ўзгаради (ранги, таркиби, яроқлилик муддати, етилиш даври). Органик зарарлантирувчи ва оғир металллардан экологик тозалаш муаммолари, бу ўсимликлар ва ишлаб чиқариш корхоналарида ўсимлик танасида муайян бирикмалар синтезини таъминлаш орқали ҳал қилинмоқда (Нуралиев Н. А. ва ҳаммуал., 2017; Собирова Д. Р., 2019). ГЎ маҳсулотлари билан боғлиқ хавфлар 2 гуруҳга бўлинади (Ксенцов Н. К. ва ҳаммуал., 2000; Pocket K., 2014): озиқ-овқат ва атроф-муҳит (ISAAA,

2014). АҚШда ГМ экинлари экиш 47% га, Бразилияда - 58% га, Аргентинада - 61% га амалга оширилади (Джусоева М. А., 2012; Herman R.A. et al., 2011).

Француз олимлари томонидан ўтказилган бир қатор мета-таҳлилларда ГМО хавфсизлиги бўйича тажрибаларга мисоллар келтирилиб, унда озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича Европа ташкилоти (EFSA) томонидан тадқиқот усуллари қайта кўриб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилган инсон хатарини баҳолаш усуллари камчиликлари аниқланди. Тажрибалар Вашингтон университети (АҚШ) кишлоқ хўжалиги ва табиий ресурслар техник марказида бир гуруҳ тадқиқотчилар томонидан ўтказилди. Қайд этилишича, 1996-2012-йилларда ГЎ экинларини етиштириш кўпайиши натижасида пестицидлардан фойдаланиш 10-12 баробар ошган. Тупроқ ва ер ости сувлари таҳлили органик ва ўсимлик экинларининг хилма-хиллиги камайганлигини кўрсатди, бу эса каламуш, капалак, асалари ва бошқа чанглатувчилар сонининг камайганлигини кўрсатади (Report of the Canadian Biotechnology Action Network (CBAN), 2019).

Мамлакатимизда ГЎ соянинг организмга таъсири бўйича экспериментал тадқиқотлар ҳам ўтказилган (Нуралиев Н. А. ва ҳаммуал., 2017; Собирова Д. Р., 2018). Натижада, биринчи марта ГЎ соя оқ каламушларнинг биринчи ва иккинчи авлодларига эмбриотоксик, мутаген, гонадотоксик таъсир кўрсатиши аниқланди; улар жигар ва талоқда морфологик ўзгаришларга олиб келиши исботланган; биологик маркернинг ГЎ маҳсулотлари томонидан танага зарар етказишнинг биомедикал баҳосининг таъсири, иммуотроп индекслари исботланган; токсик сифатни аниқлаш учун самара биомаркерлари-инфузион поликультура ёрдамида биотест ўтказиш тавсия этилган. Олинган натижалар ГЎ маҳсулотларининг хавфлилиги инсонлар учун ҳам, атроф-муҳит учун ҳам ошиб бораётганини кўрсатади, аммо ўтказилган тадқиқотлар тўлиқ эмас ва ҳар томонлама тадқиқотлар морфологик нуқтаи назардан ўтказилмаган. Шу муносабат билан бу йўналишда янги изланишлар олиб бориш замон талабларига жавоб беради.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтида 05.2021 DSc 123-сон “Бухоро минтақасида иссиқ иқлим шароитида патология олди ва патологик ҳолатларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашиш йўллари ишлаб чиқиш” (2017-2021 йиллар) илмий-тадқиқот ишлари режаси асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** талоқ ва тимуснинг морфологик жиҳатларини тажриба асосида нормал ва генетик модификацияланган маҳсулотларнинг ижобий ҳамда салбий таъсирини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

постнатал онтогенезда каламуш талоғи ва тимуснинг ривожланиши ҳамда шаклланишининг макроанатомик кўрсаткичларини ўрганиш;

каламушларда талоқ ва тимус иммун ҳужайралари структуравий элементларининг ривожланиш динамикасини белгилаш;



кеч постнатал онтогенезда каламуш талоқ ва тимусининг макроанатомик тузилишини генетик жиҳатдан модификацияланмаган маҳсулотни киритиш билан аниқлаш;

иммуногистокимёвий усуллар билан стромал компонентлар воситасида талоқ ва тимуснинг уяли тузилмаларидаги ўзгаришларни генетик жиҳатдан модификацияланган маҳсулотга таъсирини асослаш;

постнатал онтогенезда микротомирларнинг тузилиши ва жойлашиш қонуниятларини ҳамда кеч постнатал даврда табиий ва генетик модификацияланган маҳсулотни киритгандан кейинги ўзгаришларни баҳолаш;

иммун-хужайрали таркибни иммуногистокимёвий усуллар билан (CD 3 ва CD 20 да) каламуш талоқ ва тимусининг турли соҳалари меъёрда ҳамда экспериментал равишда табиий ва генетик жиҳатдан ўзгартирилган маҳсулотларнинг таъсир механизмини таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Бухоро давлат тиббиёт институтининг экспериментал тадқиқотлар лабораториясидаги 318 та эркак жинсига мансуб оқ зотсиз каламушлар 3 гуруҳга бўлиниб, олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида тажриба остидаги оқ зотсиз каламушларнинг талоқ ва тимусининг турли қисмларидан гистологик материаллар олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда тажрибавий, экспериментал, морфометрик, иммуногистокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

постнатал онтогенезда каламуш талоғи ва тимусининг ривожланиши ва шаклланишининг макроанатомик кўрсаткичлари хусусиятлари асосланган;

талоқнинг иммун хужайралари ва каламушларнинг тимус таркибий элементларининг ривожланиш динамикаси ҳақида янги морфологик хусусиятлар аниқланган;

иммун-гистокимёвий усуллар билан генетик ўзгартирилмаган ва генетик жиҳатдан ўзгартирилган маҳсулот таъсирида талоқ ва тимуснинг стромал компонентлари ва хужайра тузилмалари аниқланган;

постнатал онтогенезда микротомирларнинг тузилиши ва жойлашишининг қонуниятлари ва кеч постнатал даврда генетик ўзгартирилмаган ва генетик жиҳатдан ўзгартирилган маҳсулотни киритиш пайтида уларнинг аъзоларидаги ўзгариши аниқланган;

тажрибада биринчи марта каламушларнинг талоқ ва тимусига генетик ўзгартирилган маҳсулот (соя) нинг таъсир даражаси аниқланган;

каламушларнинг иммун тизими параметрларига генетик ўзгартирилмаган ва генетик жиҳатдан ўзгартирилган соянинг патологик ҳолатга оид морфологик хусусиятлари аниқланган;

илк бор генетик ўзгартирилган маҳсулот, талоқ ва экспериментал ҳайвонлар тимусига таъсир даражасини аниқлаш мезонларини яратиш, уларнинг таъсири хавфини аниқлаш, тажриба молекуляр генетик ўзгаришлар йўналишларга таққослаб, иммун тизимига таъсир даражасини баҳолаш истиқболлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

генетик ўзгартирилган соя иммун тизимга таъсирини кўрсатиб, олинган натижалар асосида, эрта ташхис ва болаларда иммун касалликлар оқибатининг баъзи усуллари ишлаб чиқилган;

олинган маълумотлар интоксикациянинг клиник белгилари бўлмаган тақдирда генетик ўзгартирилган соя таъсирининг яширин токсик таъсирини аниқлаш учун асослиги аниқланган;

генетик ўзгартирилган маҳсулотнинг талоқ ва тимус кўрсаткичларига таъсири мавжудлигини аниқлаш бу маҳсулотлар организм учун етарли даражада хавфга эга эканлигини аниқланган;

генетик ўзгартирилган маҳсулотларнинг талоқ ва тимусга таъсир даражасини аниқлаш учун босқичма-босқич тадқиқот ўтказиш усули ишлаб чиқилган;

экологик ифлослантирувчи моддаларнинг инсон организмига ва ҳайвонларга таъсирини таҳлил қилиш учун янги маълумотлар кўринишидаги иш натижаларининг фундаментал ва амалий аҳамияти исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тажриба ҳайвонлари сонининг етарлилиги, тадқиқотда замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи тажрибавий, морфометрик, лаборатор ва статистик текширув усулларида фойдаланилганлиги, бу кенг тасдиқланган, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи морфологик, ультрамикроскопик, иммуногистокимёвий ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланиш, шунингдек, ваколатли тузилмалар томонидан натижаларини тасдиқлаш экспериментал ҳайвонларнинг етарли сони билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инсон организми иммун тизимига кимёвий ва биологик озик-овқат моддаларининг салбий таъсирини аниқлаш орқали саломатлик учун потенциал хавфларнинг олдини олиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда республикада келгусида чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратади. Ген-модификацияланган маҳсулот (соя ёғи) мисолида талоқ ва тимусига таъсир даражасининг морфологик жиҳатлари, структуравий ва функционал механизмларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ГЎ соя сурункали таъсир қилиш шароитида иммун тизимининг бузилиши ва шаклланишининг аниқланган таркибий ва функционал таъсир механизмларининг салбий оқибатлари олдини олиш ва даволашнинг муайян патогенетик усуллари тайинлаш учун асосдир. ГМО иммун тизим таъсири механизми, аниқ гипертрофияси, гиперплазияси, гиперсекретор функцияси, турғун тўлақонлик ва қон қуйилиши етакчи рол ўйнайди. ГЎ озик-овқат билан атроф-муҳит ифлосланиши хавфи шароитида тимус ва талоқни доимий назорат қилиш; олдини олиш ва гиперплазияни эрта аниқлаш, биринчи навбатда, яширин ноҳўя таъсирини, даволаш учун патогенетик усуллари

ишлаб чиқиш орқали даволаш самарадорлигини ошириш ҳамда беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Диссертация иши натижаларига кўра қуйидаги услубий тавсиялар тасдиқланди ва олинган илмий натижалар асосида:

ГЎ соя таъсири ва уларнинг салбий оқибатларини олдини олиш учун чора-тадбирлари, эрта ташхислаш ва олдини олиш ҳамда юзага келадиган ўзгаришларни даволаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган "Генетик ўзгартирилган маҳсулотларнинг мутаген ва канцероген хусусиятларини аниқлаш методикаси" номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 21 апрелдаги 8н-р/342-сон хулосаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши ГЎ маҳсулотларининг тимус ва талокнинг тузилиши бўйича мутаген ва канцероген хусусиятларини ташхислашнинг аниқлиги ва самарадорлигини ошириш ҳамда тадқиқот давомийлигини камайтиришга хизмат қилган;

салбий таъсирини баҳолаш бўйича иш натижалари асосида ишлаб чиқилган "Лаборатория ҳайвонлари тимусининг морфологик параметрлари бўйича генетик ўзгартирилган маҳсулотни тажрибада баҳолаш методикаси" номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 26 майдаги 8н-р/428-сон хулосаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши ГЎ маҳсулотларининг морфофункционал хусусиятлари ва тимусдаги морфометрик ўзгаришларни шакллантириш ва ўрганишга салбий таъсирини баҳолашга хизмат қилган;

Илмий натижаларнинг ГЎ соя таъсири "Генетик ўзгартирилган маҳсулотнинг экспериментал ҳайвонлар талоғининг морфологик жиҳатларига таъсири аниқлаш усули" номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 26 майдаги 8н-р/429-сон хулосаси). Иммун стресс ривожлантириш механизмларини аниқлашга, талок функциясининг ГЎ соя таъсири ва уларнинг салбий оқибатларини олдини олишга хизмат қилган;

Ушбу тавсиялар ва дастурлар ГЎ маҳсулотларининг морфофункционал хусусиятлари ва иммун органларидаги морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан РШТЎИМ Бухоро филиали, Республика ихтисослаштирилган Онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали, Бухоро вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази, Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси амалиётларига тадбиқ этилган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 8 н-д/172-сонли хулосаси). Олинган натижаларнинг клиник амалиётга жорий қилиниши таълим жараёнини оптималлаштиришга, эрта ташхис қўйиш ва ҳаётнинг дастлабки даврида ГЎ соянинг ноҳўя таъсири таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқишга кўмаклашди. Бу, ўз навбатида, ГЎ соя ўз ичига олган маҳсулотлар билан заҳарланишнинг эрта оқибатларини олдини олиш ва даволаш самарадорлигини оширишга олиб келади; ногиронлик даврининг 25-35% га

камайиши; даволаш харажатларини камайтиради ва болаларда узоқ муддатли даврда юзага келадиган касалликларнинг олдини олиш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 12 та, жумладан, 6 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 6 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **“Гени ўзгартирилган маҳсулотлар ва уларнинг инсон ва ҳайвон иммуногенез органларига таъсири”** тадқиқотлар мавзуси бўйича сўнгги йилларда илмий манбаларда чоп этилган маълумотлар, талоқ ва тимуснинг морфологияси меъёрида ва ташқи омиллар таъсири остида ГМ маҳсулотларининг хавф ва фойдалари, генетик муҳандислик экинлари ва касалликларнинг келиб чиқиши, ГМ экинларидан инсон саломатлигига фойдали томонлари баён этилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **“ГМОларнинг иммун-деструктив таъсирини ўрганиш методикаси”** муаммонинг ечимини таъминловчи тадқиқот материали, методологик ёндашув ва усуллари келтирилган.

Хорижда етиштирилган ва мамлакатимизга фақат тадқиқот мақсадида олиб кириладиган ГМ соя (соя уни) тажрибаларда ГМ маҳсулоти сифатида ишлатилган. Полимераза занжир реакцияси (ПЗР) усули ёрдамида ўрганиладиган ГМ соя 35S+FMV промоторининг мавжудлиги аниқланган, бу эса ўрганиладиган соя ГМ маҳсулоти эканлигини исботлайди. Мамлакатимизда етиштирилган ва таққослаш учун ишлатилган оддий сояда бу промоутер мавжуд бўлмаган. Тажиба қиш мавсумида амалга оширилган, маҳсулот кунига бир марта 5-дан кейин кунига бир марта бошқарилган, ҳайвонлар уч ой давомида кузатилган, доимий кунлик режим (хона ҳарорати - 18-22 ° С, нисбий намлик 50-65%) билан одатдаги вивариум шароитида

бўлган. Ҳайвонларнинг ҳолати, ҳатти-ҳаракати, ташқи кўриниши, озиқланиш фаолияти ва тана вазнининг ўзгариши билан баҳоланган.

Барча гуруҳлар бир вақтнинг ўзида тузилган. Тажрибада иштирок этган лаборатория ҳайвонлари ёши, жинси, вазни, сақлаш ва озиқлантириш шароитлари бўйича бир хил бўлган. 30 кунлик озиқланишдан сўнг лаборатория ҳайвонларининг гуруҳлари биоэтик қоидалар асосида ўлдирилган ва очилиб ички аъзолари ўрганилган. Лаборатор каламушларнинг экспериментал клиник тадқиқотлари 2020 йил 21 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги Этик қўмитаси расмий рухсатнома асосида амалга оширилган (№ 4/17 – 1442). Бу тадқиқотлар ўтказиш учун рухсат (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2020 йил 26 августдаги Этик қўмита йиғилишининг № 4 баённомасидан кўчирма).

Гистологик текшириш учун тўқима намуналари 10% нейтрал формалинда, гистологик симдан сўнг термо Thermo Fisher Scientific (TFS, АҚШ) томонидан STP 120 автоматик карусел типидagi гистологик симдан сўнг, Histo Star Thermo Fisher (TFS, АҚШ) парафинга қуйилган.

Қалинлиги 3-4 мкм бўлган бўлимлар айланма микротом HM 325 (TFS, АҚШ) да олинган.

Иммуногистокимёвий препаратлар Ventana Bench MarkХТ автостейнерида (Швейцария) ишлаб чиқарилган. Жараёнларнинг гистотопографиясини ўрганиш учун CD 3 ва CD 20 (Ventana, Швейцария) га поликлонал антитаналар 1:100 суюлтиришда ишлатилиб, ёпишқоқ қопламали гистологик стаканларда (Ventana, Швейцария) олиб борилди. Иммуногистокимёвий реакциялар антитана ишлаб чиқариш протоколига мувофиқ амалга оширилган. Кесмалар Майер гематоксилини билан бўялди.


Тайёр гистологик препаратлар ўрнатилган морфометрик дастурга эга OD400UHW10 4 Мп микроскопининг рақамли тасвир узатиш тизимига эга бўлган CX40 тринокуляр микроскоп (Soptop, Хитой) остида ўрганилган.

Олинган натижаларни статистик ишлаш учун умумқабул қилинган вариацион статистика усулларида фойдаланилди. Диссертацияга оид тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларидан фойдаланилди.

Диссертациянинг учинчи бобида **"Назорат гуруҳи каламуш талоғининг анатомик ва морфологик тузилиши"** эрта ва кеч постнатал онтогенезда каламуш талоғидаги макроанатомик ўзгаришлар динамикаси таҳлил қилинди.

Ривожланишнинг постнатал даврида каламуш талоғининг асосий параметрларининг турли ўсиш суръатлари белгиланган. 11 кунга келиб каламуш тана вазнининг энг юқори ўсиш даражаси 84,8% га кузатилган. 16 кунлик ёшга келиб талоқ массаси ва орган масса коэффициентининг ўсиш тезлиги мос равишда 34% ва 11.7% га етган. Узунлиги энг катта ўсиш-34% ва талоқ майдони-44% мос равишда 21 кун 80,7% ва 31% томонидан ёши 6 кун, ҳамда кенглиги ва баландлиги кузатилган.

Энг юқори ўсиш суръати туғилган пайдан бошлаб 16-кунгача кузатилган. Онтогенезнинг постнатал даврида талоқ масса коэффициентининг энг юқори ўсиш суръати-81,6% 16 кунлигида кузатилган. Талоқ майдонининг энг юқори ўсиш суръати 3 ойлигида 45,4% ни ташкил этган.




**1-расм.** Постнатал онтогенезда каламушларда талоқнинг турли шакллариининг пайдо бўлиш частотаси меъёрда, ГЎ ва ГЎ-сиз соя таъсири.

Эрта постнатал онтогенезда каламушларнинг назорат гуруҳи талоғининг шакли 80% да овал-юмалоқ ва 20% ҳолларда чўзиқ-овалсимон бўлган. 16 кунгача 50% чўзиқ овал шакли сақланиб қолади. Кеч постнатал онтогенезда, яъни 6 ойлигида талоқнинг шакли 70% ҳолларда чўзиқ-учбурчак ва 50% ҳолларда ярим ой шаклида-9 ойлигида бўлган (1-расм).

3 ойгача юза қатламлар каламуш талоғининг капсуласида тезроқ ривожланади, сўнгра нисбат ўзгаради ва кейинчалик ўрта ва чуқур қатламларнинг ўсиши кузатилади. 12 ойлик даврда талоқ капсуласи қалинлигининг энг катта ўсиш суръати унинг олдинги учиди 4 марта кузатилган бўлса, дарвозада бу кўрсаткич 2,6 марта, орқа учиди эса 4,1 марта ошган (2-расм).


Эрта постнатал онтогенезда унинг проксимал қисмида трабекула диаметрининг энг юқори ўсиш тезлиги 21 кунлик ёшда -11.5%, кеч постнатал онтогенезда эса 12 ойлик ёшга келиб бу кўрсаткичнинг энг юқори ўсиш даражаси кузатилди ва-12.2% ни ташкил этди. Дистал охирида трабекула диаметрининг 49% даги энг юқори ўсиш даражаси 9 ойлигида содир бўлган. 31.2% трабекуляр чуқурликнинг энг катта ўсиш даражаси 11 кунлигида кузатилган.

Талоқнинг ичи томирларини ўрганишда трабекуляр томир артериоласининг девор қалинлигини 13.5% га ортишининг энг катта тезлиги 12 ойлик ёшга, ички диаметри эса 16.8% га 9 ойлик ёшга тўғри келган.



**2-расм.** Кеч постнатал онтогенезда талоқ капсуласининг қалинлиги.

Трабекуляр томир веноз девори қалинлигининг энг катта ортиш тезлиги 9 ойлигида - 14,4% ни ташкил этди ва 21-кунга келиб унинг ички диаметри 11,2% ни ташкил этган. Трабекуляр томир артериоласи девори қалинлигининг 19% га ва ички диаметрининг 10.6% га 6 ойлик ёшга ортиши энг катта суръат қайд этилган. Трабекуляр томир веноз девори қалинлигининг энг катта ўсиш тезлиги 6 ойлигида - 16.5%, ички диаметри эса 16.3% га ҳам шу ёшда бўлган.



**3-расм.** Назорат гуруҳи каламушнинг талоғи. ИГК CD 3 бўйича бўялган. 1-оқ пулпа, 2-қизил пулпа, 3 - ЛТ, 4-периартериал зона. Тақриба. 10 x 20.

Пулпар томир артериоласи девори қалинлигининг 21,1% га ошиши энг юқори даражаси 3 ойлик ёшда, унинг ички диаметри эса 15,3% шу ёшда

кузатилган. 3 ойлигида пулпар томирининг венул қалинлигининг энг юқори ўсиш даражаси 21,9% ни, унинг ички диаметри эса 3 ойлигида 25,7% ни ташкил этди. Лимфоид фолликул томирнинг артериол девори қалинлигининг 28,6% га ва унинг ички диаметрининг 27,3% га ошиш даражаси энг юқори бўлган. 3 ойлигида лимфоид фолликул томирининг венула қалинлигининг энг юқори ўсиш тезлиги 34,0 % ни, ички диаметри эса 18,1% ни ҳам шу ёшда ташкил этган.

11 кунлик каламушларда CD 20 антигеннинг ўзига хос маркери ёрдамида оқ пулпанинг нисбий майдони бошқа ёш гуруҳларига нисбатан пастлиги ва кесилган жойнинг ўртача  $22,6 \pm 0.2\%$  эканлиги аниқланган.

Бизнинг маълумотларга кўра, оқ пулпа улуши кейинги ёш гуруҳлари сезиларли ошди. Бу кўрсаткичнинг энг катта ўсиши 3 ойлик  $22,3 \pm 0,1 \%$  да кузатилади ва кейинги ёшларда бу кўрсаткич аста-секин камайиб боради, бу ерда 12 ойлигида  $20.1 \pm 0.2\%$  ни ташкил этган (3-расм).

Талокнинг мантия зонаси кенглигининг энг катта ўсиши ойлик ёшда 11 кунда 1,1 мартага ( $77.3 \pm 2.2$  мкм), энг кичиги эса 12 ойда 1,0 мартага ( $102.8 \pm 1.2$  мкм) кузатилганлиги аниқланган.

Интакт каламуш гуруҳида маргинал зона кенглигининг ошиши 3 ойлигида энг кўп аниқланиб,  $67.32 \pm 0.7$  мкм ни ташкил этгани аниқланди.

T-лимфоцитларнинг ўзига хос маркери - CD 3 антиген ёрдамида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, туғилгандан назорат гуруҳи ЛТ периартериал зонасининг кенлиги, ёш жиҳатларига мувофиқ, 1,2 марта 3 ойликгача оширила бошлаган ва  $53.48 \pm 0.2$  мкмни ташкил этган.

Диссертациянинг тўртинчи бобида **“Назорат гуруҳи каламушлари тимусининг анатомик ва морфологик тузилиши”** эрта ва кеч постнатал онтогенезда каламуш тимусининг макроанатомик хусусиятларини аниқлаш ва баҳолашга бағишланган.


Эрта постнатал онтогенезда тимус вазнининг энг юқори даражаси 11 кунлигида кузатилган ва 58% га тенг бўлиб, тимус ўсишининг энг юқори даражаси 21 кунлигида 20 марта ошганлиги кузатилган.

Ривожланишнинг 16-кунидан 21-кунигача бўлган даврда органнинг узунлиги, кенлиги, баландлиги кўрсаткичларининг ўсиши тахминан бир хил бўлади. 16 кунлик ёшга келиб тимуснинг узунлиги, кенлиги ва баландлигининг энг катта ўсиши кузатилади, мос равишда 25.6%, 22.3% ва 76.0% га етган.

Энг юқори ўсиш суръати туғилган пайдан бошлаб 16-кунгача кузатилган. Онтогенезнинг постнатал даврида тимус вазн коэффициентининг энг юқори ўсиш суръати-73.6% 16 кунлигида кузатилган. Тимус майдонининг энг катта ўсиш суръати-94% 11 кунлигида бўлган. Каламуш тимусининг ҳажми энг катта ўсиш даври 16 кундан 21 кунгача содир бўлади.


Каламуш тимуси 90% ҳолларда юмалоқ шаклга, 40% ҳолларда 16 кунлигида кесик конус шаклига ва 70% да 21 кунлигида қирқилган асосга эга конус шаклига эга бўлган. 80% ҳолларда 12 ойлигида трапеция шакли кузатилган (4-расм).





**4-расм.** Постнатал онтогенезда каламушларда тимуснинг турли шаклларининг пайдо бўлиш частотаси меъёрда, ГҰ ва ГҰ-сиз соя ишлатилганда.

Тимус капсуласи қалинлигининг энг катта ўсиш тезлиги 16 кунлигида содир бўлди: дарвоза олдида – 5.9%, олдинги учида - 5.6% ва орқа охирида - 18% ва унинг проксимал қисмида трабекула диаметрининг энг катта ўсиш даражаси 9.6%, дисталда 12.7% етган (5-расм).




**5-расм.** Кеч постнатал онтогенезда тимус капсуласининг қалинлиги.

Тимус трабекула чуқурлигининг энг катта ўсиш суръати ҳам 16 кун - 4,8% ёш билан қайд этилди, кейин бу кўрсаткичнинг пасайиши кузатилган.

T-лимфоцитлар-CD3 антигеннинг ўзига хос маркери ёрдамида тимус (T лимфоцитлар) нинг иммун хужайралари динамиканинг ортиши ва энг катта сони 16 кунлик даврга келиб 1,4 марта ошиши аниқланди. Тимусда 21-кунга келиб кортикал зона майдони  $62,7 \pm 1,2\%$  га ошган.

Назорат гуруҳидаги пўстлоқ-мағиз индекси 6 кунлик ёшга келиб юқори бўлди ва  $2,6 \pm 0,17\%$  га тенг бўлган. Кеч постнатал онтогенезда каламушларда тимус безининг субкапсуляр зонасини ўрганиш шуни кўрсатдики, кичик лимфоцитларнинг ўртача миқдори туғилгандан 12 ойгача ортади, максимал ўсиш 3-ойдан 6-ойгача кузатилади (6-расм); кейин эса 9-ойга бироз камайган (8.2%).



**6-расм.** Назорат гуруҳи 3 ойлик каламуш тимуси. Ван Гизон бўйича бўялган.  
1 - трабекулалар, 2 – лимфоцитлар тўпланиши  
Тажриба. 10 x 10.

Эпителиоретикуляр хужайралар, ўрта лимфоцитлар ва йирик лимфоцитлар сони 6-ойгача кўпаяди: ўрта лимфоцитлар таркибида максимал ўсиш (30,2%), эпителиоретикуляр хужайралар (33,1%) ва йирик лимфоцитлар (51%) 3-ойдан 6-ойгача кузатилган.

Тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатадики, эрта туғруқдан кейинги даврда каламуш тимус безининг ривожланиши ва шаклланишида энг муҳими ҳайвонлар аралаш рационга ўтадиган давр бўлиб, унинг охирига келиб барча тимус тузилмалари ҳосил бўлади. Морфологик ўзгаришлар натижасида органнинг вазифаси бузилади, бу турли соҳаларнинг таркибидаги ўзгаришларда бир хил эмас, бу органнинг ҳар бир соҳасининг функцияси ва уларнинг экологик омиллар таъсирига турли хил реакцияси билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Диссертациянинг бешинчи бобида “Постнатал онтогенез давридаги каламуш талок ва тимусига ГЎ бўлмаган маҳсулот таъсири, ҳамда


**морфологик ва морфометрик ўзгаришлари”** ГЎ бўлмаган маҳсулот таъсири каламуш талоғини макроанатомик ўрганишга бағишланган.

ГЎ сиз соя киритиш билан, 6 ойлик каламушларда талоқ вазнининг ёшга оид ўсиш суръати 31,7% ва тимус вазнининг ёшга оид ўсиш суръати 29%га камайиши кузатилган.

Тажрибада талоқ шакллари ривожланишида сезиларли фарқ бор, яъни ГЎ соя киритилмаган ҳолда 50% ҳолларда чўзиқ овал шакли ҳали 3 ойлигида мавжуд бўлиб, 70% ҳолларда ГЎ соя киритилмаган ҳолда чўзиқ учбурчак шакли энг кўп 9 ойлигида кузатилади ва 40% да ўроқсимон шакли фақат 12 ойлигида кузатилган.

Тажрибада кеч постнатал онтогенез, яъни 3 ойлигида тимус 80% ҳолларда кесик конус шаклига эга бўлиб, ГЎ соя киритилмаган. 9 ойлик ёшга келиб 40% ҳолларда қирқилган асосга эга бўлган конуснинг шакли, 12 ойлик 40% ҳолларда трапециясимон шакл, бу тимус шаклининг ривожланишидаги кечикишни кўрсатган.

ГЎ бўлмаган соя киритилиши билан унинг барча қисмларида талоқ капсуласи қалинлигининг пасайиши 1,1 марта кузатилди, трабекула диаметри проксимал учда 1,2 ойлигида 9% га, 6 ойлигида эса дистал қисмида 1,6 марта камайган (7-расм).



**7-расм.** Талоқ морфологик кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили.

ГЎ бўлмаган соянинг киритилиши билан 3 ойлигида трабекула чуқурлигини 1,1 марта камайиш тенденцияси мавжуд.

ГЎ соя киритилмаган ҳолда қисмдаги трабекуляр томир артериясининг девор қалинлиги 12 ойлигида 1,3 марта кам, ички диаметрининг 1,1 марта ортиши аниқланди. 3 ойлигида қисмидаги трабекуляр томир венос деворининг қалинлиги ГЎ соя киритилмаган ҳолда 1,3 марта катта бўлиб, унинг ички диаметри 12 ойлигида ГЎ соя киритилмаган ҳолда 1,2 марта катта бўлган.

ГЎ бўлмаган соянинг киритилиши билан трабекуляр томир артериоласининг девор қалинлиги 3 ойлигида 1,4 мартага, 9 ва 12 ойлигида эса 1,3 мартага камайди. Трабекуляр артериоланинг ички диаметри кеч постнатал онтогенезнинг барча ёшларида ГЎ соя киритилмаган ҳолда 1,1 марта ошган.


ГЎ-сиз соя киритиш билан 3 ва 6 ойларда трабекуляр томир веноз девор қалинлиги 1,2 марта пасайиши қайд этилган, лекин кеч постнатал онтогенезда барча ёшдаги каламушларда унинг ички диаметри 1,1 марта ортиши кузатилган. Биз ГЎ-сиз соя киритиш билан, пулпа томир артериола девор қалинлиги 1,5 баробар камайган, деб топилди ва ёши 3 ойликда 1,6 марта ГЎ соя киритиш билан, ва унинг ички диаметри 1,1 марта ГЎ-сиз соя киритиш билан ва 1,2 марта кеч постнатал онтогенез барча ёшдаги ГЎ соя киритиш билан баробар.

ГЎ-сиз соя киритиш билан пулпа томир венула девор қалинлиги ҳисобга олган ҳолда, 3 ойликда – 1,4 марта пасайишига, 9 ва 12 ойликда унинг ички диаметри 1,3 марта ортиши аниқланган.

ГЎ соя киритилмаган ҳолда лимфойд фолликул томирнинг артериол девори қалинлиги 3 ойлигида 1,3 марта пасайиши қайд этилган бўлса, 9 ва 12 ойлигида унинг ички диаметрининг 1,3 мартага ошиши кузатилган.

ГЎ соя киритилмаган ҳолда лимфойд фолликул томирнинг венула девор қалинлиги 3 ойлигида 1,3 марта ва 12 ойлигида унинг ички диаметри 1,2 марта ошиши аниқланган.

Тимуснинг ичи томирларини ўрганиш шуни кўрсатдики, ГЎ бўлмаган сояни киритиш билан трабекуляр томир артериоласи деворининг қалинлиги 3 ойлигида 1,2 марта камайган, ички диаметрининг 1,1 марта ошиши барча ёшларда қайд этилган.



**8-расм.** Тимус ичи томирларининг морфометрик кўрсаткичлари меъёрда, ГЎ ва ГЎ-сиз соя ишлатилганда (девор қалинлиги).

Биз ГЎ-сиз соя киритиш билан пўстлоқ қатлам томир артериола девор қалинлигини 3 ва 6 ойликларда 1,2 марта камайишини, барча ёшда ички диаметри 1,1 марта ўсиши қайд этилди, деб топдик.

ГЎ-сиз соя киритиш билан мия қатлами томир венула деворининг қалинлиги 3 ойликда - 1,3 баробар пасайиши, унинг ички диаметри 9 ва 12 ойликларда 1,2 марта ортиши кузатилган (8-расм).

ГЎ соя киритилмаган ҳолда мағиз қатлами томирининг венула девори қалинлиги 3 ойлигида 1,2 марта энг пасайиши , унинг ички диаметрининг 12 ойлигида 1,3 марта ортиши қайд этилган.


12 ойлик ёшга келиб оқ пулпа майдонининг 1,8 мартага ўсиши кузатилган. Бу жараён организмнинг жавоб реакциясининг оқ пулпадаги гиперпластик ўзгаришлар билан ифодаланади ҳамда ЛТ нинг бирлашиши ва кенгайиши кузатилган.

ГЎ бўлмаган соянинг CD 20 антиген ёрдамида олиб борган тадқиқотларимизда 12 ойлик 2,1 мартага ЛТ миқдори ошгани қайд этилди. ГЎ-сиз соя киритиш билан ҳам ЛТ ҳажми 1,5 баробар бир хил ёшда катталашган.

Шундай қилиб, ГЎ-сиз соя киритиш билан ЛТ маргинал зонаси орасидаги масофа 6 ойда 1,1 мартага камайган. Герминатив марказлар орасидаги масофа ҳам кеч постнатал онтогенезнинг барча ёшларида 1,1 марта сезиларли даражада камайган (9-расм).

6 ва 12 ойликларда ГЎ-сиз соя истеъмол қилганда ЛТ мантия зонаси кенглиги 1,21 марта ортиши кузатилган.


ГЎ бўлмаган сояни киритиш билан каламушларда маргинал зона кенглигининг ошиши 12 ойлигида энг кўп кузатилган ва  $83,4 \pm 0,19$  мкм эканлиги аниқланган.



9-расм. Талоқнинг лимфойд фолликулларининг морфометрик параметрлари

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ГЎ бўлмаган соя киритилиши билан ЛТ периартериал зонасининг кенглиги 12 ойлигида 1,1 мартага ошади. Бизнинг маълумотларимизга кўра, тажрибаларнинг 3-ойига келиб тимуснинг кортикал моддаси эгаллаган майдонда ўсиш кузатилади, бу эса  $65,9 \pm 1,3\%$  ни ташкил этади, бу эса назорат гуруҳига нисбатан 1,02 марта кўпдир.

ГЎ-сиз соя киритиш билан 12 ойликда пўстлоқ-мағиз индекси мос равишда  $2,46 \pm 0,1\%$  камайган (10-расм).



**10-расм.** 3 ойлик каламуш тимуси. Массон бўйича бўялган.  
1 - ёғ тўқималари, 2 – чекка худуд, 3-маргинал худуд. Ок.10хоб.20

Тимуснинг таркибини ҳисобга олсак, генетик жиҳатдан ўзгартирилган маҳсулотни киритиш билан унинг энг катта ўзгариши исботланган.

Тимуснинг субкапсулар зонасини ўрганиш шуни кўрсатдики, ГЎ бўлмаган соянинг киритилиши кичик лимфоцитлар ва бошқа ҳужайра шакллариининг таркибининг ортиши билан бирга келган.

Кичик лимфоцитларнинг энг катта ўсиши тажрибанинг 3 - ойида, ўрта лимфоцитлар-тажрибанинг 6-ойида (1,3 марта), катта лимфоцитлар-тажрибанинг 3-ойида (2,3 марта) кузатилган.

Мия ўтиш зонаси тажрибанинг бошқарувга нисбатан эпителиоретикуляр ҳужайралар кичик, ўрта, ва катта лимфоцитлар сонининг ортиши билан характерланган.

Шундай қилиб, тимуснинг мағиз зонаси кеч постнатал онтогенезнинг барча даврларида тажрибада ўрта лимфоцитлар таркибининг энг кучли ўзгариши билан характерланган.


Диссертациянинг олтинчи бобида “ГЎ маҳсулоти таъсирида каламуш талоғи ва тимуснинг постнатал онтогенездаги морфологик ва морфометрик ўзгаришлари” ГЎ маҳсулотини киритиш вақтида каламуш талоғи ва тимуснинг макроанатомик хусусиятларини ўрганиш ва баҳолашга бағишланган.

6 ойлигида ГЎ соя киритилиши билан каламуш тана вазнининг ошиши фонида талоқ вазнининг 58% га камайиши ва 3 ойлигида тимус вазнининг 25,7% га орттирилиши даражаси камайган.

ГЎ соя киритилиши билан талоқ шакларининг ривожланишида сезиларли кечикиш мавжуд, яъни 3 ойлигида 60% ҳолларда чўзилган овал шакли ҳали ҳам мавжуд бўлиб, кўпроқ намоён бўлган ва фақат 12 ойлигида 30% талоқ ўроқ шаклига эга бўлган.

ГЎ соя киритилиши билан кеч постнатал онтогенезда, яъни 3 ойлигида тимус 90% ҳолларда кесик конус шаклига эга бўлган. 9 ойлик ёшга келиб 45% ҳолларда қирқилган асосга эга бўлган конуснинг шакли, 12 ойлик ёшга келиб 20% ҳолларда трапециясимон шаклда эканлиги аниқланган. Бу тимус шаклининг ривожланишининг орқада қолаётганини кўрсатган.

9 ойлик ёшга ГЎ соя киритилиши билан трабекула чуқурлигининг пасайиши 1,2 марта, 12 ойлик ёшга келиб эса 1,3 мартага камайган (11-расм).




**11-расм.** Тимус морфологик кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили.

ГЎ соя киритилиши билан трабекуляр томир артериола деворининг қалинлиги 3 ва 12 ойлигида 1,4 мартага камайганлиги, ички диаметри 1,1 мартага ошганлиги аниқланган (12-расм).

3 ойлик каламушнинг трабекуляр томир веноз деворининг қалинлиги ГЎ соя киритиш билан 1,3 баробар, унинг ички диаметри 1,4 баробар юқори, 6 ойлигида 1,1 баробар катта бўлган. ГЎ соя киритилиши билан трабекуляр артериоланинг диаметри 3, 6 ва 12 ойлигида 1,2 мартага ошган, 9 ойлигида эса 1,1 мартага ошган.

ГЎ соя киритилиши 6 ойлигида вена девори қалинлигининг 1,4 марта камайиши, ички диаметри эса 3 ва 12 ойлигида 1,2 марта ошган.

ГЎ-сиз соя киритиш билан, пулпар томир артериола девори қалинлиги кеч постнатал онтогенезда 3 ойликда 1,6 марта, ва унинг ички диаметри 1,2 марта камайиши аниқланган.



**12-расм.** Талоқ ичи томирларининг морфометрик кўрсаткичлари меъёрда, ГЎ ва ГЎ-сиз соя ишлатилганда (диаметр).

